

РУС ТАРЖИМА ТАРИХИ

Х. Исмоилова, М. Дехқонова Қўқон ДПИ

Таржима тарихи билан боғлиқ асарлар кўп эмас, А.В.Фёдоровнинг таъкидлашича, таржима тарихи тил, адабиёт, санъат, жамият маданияти ва маънавияти тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли, қолаверса таржима турли тиллардан бошқа тилларга таржима қилиш жуда кўп меҳнат талаб қиладиган мураккаб жараён эканлиги бу борада илмий ишларнинг камлигига сабаб бўлади.

Таржима тарихини ўрганиш асосан янги яъни XVI -XVII даври ўз ичига олади. Тарих бизга таржимада икки асосий йўналиш мавжуд эканлигини ва улар бир -бирига зид равишда талқин этилади:

- 1) бир тилдан иккинчи тилга маънога путур етган холда сўзма сўз таржима қилиш
- 2) бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганда – асосан мазмунга эътиборни қаратиб таржима қилиш

Биринчи типдаги таржимага мисол тариқасида Библиянинг грек, латин ва бошқа Европа мамлакатлари тилларига қилинган таржималар, Арасту (Аристотель)нинг фалсафий асарларини келтириш мумкин.

Иккинчи типдаги таржимага грек тилидан латин тилига Эсхин, Демосфенлар нутқларининг таржималари мисол бўлиши мумкин.

Таржима назариясининг кўзга кўринган рус олимларидан бири А.В.Федеров таржима тарихини ёритишда, асосан, Ғарб таржимаси тарихи, ҳамда Россияда таржима тарихи ҳақида батафсил маълумотлар беради. (А.В.Федеров Основы общей теории перевода). Бунда, юқорида келтирилганидек, антик давр адабиётидан бошлаб, ҳозирги давргача бўлган таржима мауммолари ҳақида маълумотлар беради.

XI-XII асрлар Россия таржима тарихида Москва даври ҳисобланган. Бу даврда ҳам диний асарлар ғарбий-славян тилларидан, латин, немис тилларидан рицарлар ҳақидаги романлар таржима қилинган. XVII асрларга

келиб шеърый асарларнинг таржималарига ҳам ката эътибор қаратилган.

XVIII аср, Петр I даврига келиб Россиянинг Ғарбий -Европа мамлакатлари билан алоқаларнинг янада кучайиши муносабати билан, хаттто давлат ҳужжатлари ҳам чет тилларга ва таржима муаоммоларига эътибор ошган давр бўлди. Бу даврда таржима билан нафақат ёзувчи ва шоирларнинг ўзлари шуғулланишган, балки таржимонлик билан шуғулланувчи С.Волчков, Кондратович, Гамалов -Чураев ва бошқалар каби кишилар ижод қилишган. Ҳатто чет эл китобларини таржима қулувчи жамият ташкил этилди ва у 15 йилгача фаолият кўрсатди. Бу жамиятнинг 114 аъзоси бор эди, улардан бири А.Н.Радинев бўлган.

Кейинги даврда, яъни XVIII аср охири ва XIX аср бошларида рус таржималарида таржимага эркин ёндашув тенденциялари вужудга кела бошлади, яъни таржима қилинаётган матнга ўзгартишлар киритиш, асосий матнга яқин бўлган таржима билан шуғуллана бошланди.

Бу даврда кўплаб кўплаб ғарб тилларидан, айниқса француз, немис тилларидан бадиий асарлар таржима қилинган. Шу давр таржимасига хос хусусиятлардан яна бири насрий ва назмий асарлар таржимаси бир-бирига зид қаралган, масалан таржима назарияси ва амалиёти билан яқиндан шуғулланган В.А.Жуковскийнинг ёзишича «Переводчик в прозе есть раб, переводчик в стихах - соперник».

Рус таржима тарихида А.С.Пушкин ижоди ва таржима фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди, янги бир даврни ташкил этади. Унинг таржимонлик фаолияти асосий қирралари шундаки, чет тилдаги асарлар таржимада рус адабий тилининг бутун бойлигини тўлақонли ифодалаб бера олган. А.С.Пушкин ўз ижодининг турли даврларида француз шоирлари (XVII - XVIII асрлар) шеърларидан (эпиграммалар) таржима қилган, хусусан Вольтер, Парпи, Андре Шенье ва бошқалар. таржималари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

А.С. Пушкиннинг таржимага қарашларида муаллиф асарини айнан сўзма-сўз таржима қилишни қарамайди. Шу билан бирга унинг ўша даврда

Францияда авж олган «эркин» таржимага қарши билдирган фикрлари диққатга сазовор, чунки у таржимада ҳар қандай шакл ўзгартиришлар киритилганда ҳам, асар ғоясини сақлаб қолиш муҳим вазифа эканини таъкидлаб, Шатобрианнинг Мильтон қаламига мансуб «Йўқотилган Жаннат» асарининг таржимасига ўз танқидий фикрини билдиради ва уни сўзма -сўз қилинган таржимасини танқид қилади:

«... Шатобриан переводил Мильтона почти слово в слово, так близко, как только то мог позволить синтаксис французского языка: труд тяжёлый и неблагодарный, незаметный для большинства читателей и который может быть оценен двумя, тремя знатоками! Но удачен ли новый перевод? ... Нет сомнения, что стараясь передать Мильтона слово в слово, Шатобриан однако не мог соблюсти в своем предложении верности смысла и выражения. Подстрочным перевод никогда не может быть верен. Каждьм язык имеет свои обороты, свои условленную риторические фигуры, свои усвоенные выражения, которую не могут быть переведены на другой язык соответствующими словами.

XIX аср охири XX аср бошларига келиб, Россияда хорижий проза таржимасига катта эътибор қаратилди. Бу даврнинг кўзга кўринган, мохир таржимонларидан бири П.И.Вейберг бўлиб, у Гейненинг лирикасини ва бошқа кўплаб лирик поэтик асарларни муваффақиятли таржима қилган.

Ундан ташқари бу даврда, машҳур таржимонлар А.Л.Соколовский, А.И.Кронеберг, Н.В.Гербел ва бошқалар Шекспирнинг бир қанча трагедияларини Шиллер, Д.Е.Мин, Дантенинг «Илоҳий комедиясини», Мольернинг кўплаб комедияларини, Гётенинг «Фауст» асарини таржима қилдилар.

Бу даврга келиб, барча машҳур инглиз, француз, немис муаллифларининг асарлари рус тилига таржима қилинган эди. Энди рус ўқувчилари Ч.Диккенс, Теккерей, Виктор Гюго, Дюма, Бальзак, Флобер, Доде, Мопассан, Золя асарларини ўз она тилларида ўқиш имконига эга бўлдилар.

Немисча асарлар инглиз ва француз тилидагига нисбатан кам таржима қилинган. Инглиз ёзувчиларининг ажойиб асарлари «Робинзон Крузо» (Даниел Дефо), «Гуливернинг сайёҳатлари» (Ж.Свифт), «Дон Кихот» (Сервантес) ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, бу даврда кўпгина Европа мамлакатлари Испания, Италия, Скандинавия каби Давлатлар тилларидан таржима қилинмаган, ҳатто айрим славян тилларидан ҳам таржималар кам бўлган.

Ушбу давр таржимачилигида айрим камчиликлар бор эди. Хусусан, тилларни яхши билмаган кишилар ҳам таржимада қатнашган, бу эса таржима асар сифатидаги салбий таъсир кўрсатган. Шундай қилиб, XIX аср охири таржима савиясини пасайиши билан таржима назариясига деярли, фойда келтирмади.